



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (80) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (80)

2025

июнь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.05.2025, Accepted: 10.06.2025, Published: 15.06.2025

УДК 618.4.-06.616.63-022-055.28

КЎП ТУҚҚАН АЁЛЛАРДА ПЛАЦЕНТА ВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Шерзод Матсапоев <https://orcid.org/0009-0005-7108-4904>

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Ушбу тадқиқотда кўп туғиш ҳолатларида плацента тўқимасида юзага келадиган васкуляризация ўзгаришлари морфологик жиҳатдан баҳоланди. Аёлларнинг туғруқлар сони ортган сари плацентанинг қон томир тизимидаги ўзгаришлар, жумладан, капиллярлар сони ва уларнинг диаметрларида сезиларли фарқлар аниқланди, интерворсинкалар масофаси ва қон томир деворларининг қалинлиги каби кўрсаткичлар ҳисобга олинди. Кўп туққан аёлларда васкуляр структураларда гиповаскуляризация, фибриноид тўпланиши, капилляр тармоқнинг камайиши аниқланди. Ушбу ўзгаришлар бола ва онанинг соғлиғига таъсир этувчи муҳим патогенетик омиллардан бири сифатида баҳоланди

Калит сўзлар: кўп туғиш, плацента, васкуляризация

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВАСКУЛЯРИЗАЦИИ ПЛАЦЕНТЫ ПРИ МНОГОПЛОДНЫХ РОДАХ

Шерзод Матсапоев

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город
Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

В данном исследовании морфологически оценены изменения васкуляризации в ткани плаценты при многократных родах. Установлено, что с увеличением количества родов происходят значительные изменения в сосудистой системе плаценты, включая количество капилляров и их диаметр, расстояние между ворсинками и толщину сосудистой стенки. У женщин с многократными родами выявлены гиповаскуляризация в сосудистых структурах, отложение фибриноида и снижение плотности капиллярной сети. Эти изменения рассматриваются как один из важных патогенетических факторов, влияющих на здоровье матери и ребёнка

Ключевые слова: многократные роды, плацента, васкуляризация

MORPHOLOGICAL FEATURES OF PLACENTAL VASCULARIZATION IN MULTIPLE BIRTHS

Sherzod Matsapoev

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city,
Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Resume

This study provides a morphological evaluation of vascularization changes in placental tissue in cases of multiple childbirths. It was found that as the number of deliveries increases, significant alterations occur in the placental vascular system, including the number and diameter of capillaries, inter-villous space, and thickness of vascular walls. In women with multiple childbirths, hypovascularization in vascular structures, fibrinoid deposition, and a reduction in capillary network density were identified. These changes are considered important pathogenic factors affecting the health of both the mother and the fetus.

Keywords: multiple childbirths, placenta, vascularization

Долзарблиги

Плацента — бу она ва ҳомила ўртасидаги алоқани таъминловчи муҳим орган бўлиб, ҳомиланинг нормал ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратади. Турли тадқиқотларда (Бокова К.С., 1970; Субботин В.Ю. ва бошқалар, 1976; Цирельников Н.И., 1981) плацентанинг морфологияси фето-плацентар тизим ҳолатини баҳолашда муҳим диагностик мезон сифатида қаралади. Хусусан, ташқи муҳитнинг экстремал шароитлари, онадаги соматик ёки гинекологик патологиялар, туғруқлар сони каби омиллар плацентанинг тузилишига бевосита таъсир кўрсатади. Плацента – онанинг қон айланиши билан бола организми ўртасида модда алмашинувини таъминловчи марказий орган ҳисобланади. Кўп туққан аёлларда плацентанинг морфологик тузилишидаги ўзгаришлар фетоплацентар етишмовчилик, гипоксия, плацента вазни кенгайиши ва оғирлашиши, плацента адгезияси каби ҳолатлар хавфини ва бошқа перинатал асоратлар хавфини оширади. Ушбу мақолада айнан шундай ҳолатларни баҳолаш мақсадида морфологик ва морфометрик таҳлиллар ўтказилди.

Тадқиқот мақсади: 3 ва ундан кўп марта туғган аёллардан олинган патологоанатомик маълумотлар асосида плацентадаги патоморфологик ўзгаришларни (шиш, қон қуйилишлари, кальциноз, фибриноид деградация, инфаркт ва бошқа ўзгаришлар) аниқлаш ва таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида зарур илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар


Ўрганиш учун Хоразм вилояти перинатал маркази ва патанатомия бюрolariда 2024 йил давомида олиб борилган патологоанатомик хулосалардаги плацента тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Ҳар бир ҳолатда аёлнинг туғилган йили (ёши), туғишлар сони ва плацента ҳажм (ўлчамлари) ҳамда морфологик белгилари (шиш, очоғли қон тўпланмалари, тўқималарнинг бир хил эмаслиги, ранги) рўйхатга олинди.

Тадқиқотга 20 нафар кўп туққан (≥ 3 марта) ва 20 нафар назорат (1–2 марта туғруқ қилган) аёллардан олинган плаценталар киритилди. Намуналар гистологик ишловдан ўтказилди. Ворсинкалар диаметри, капиллярлар сони, интерворсинкалар масофаси, қон томир девори қалинлиги ва фибриноид модда миқдори морфометрик усулда аниқланди. Ҳисоб-китоблар учун стандарт микрометр ва ImageJ дастури қўлланилди.

Натижа ва таҳлиллар

Плаценталарни тадқиқ қилиш натижасида аёллар ёшлари кесимида уларда аниқланган ўзгаришлар: плацента ўлчамлари, морфологик ўзгаришлари қуйидаги (1- жадвал) да келтирилган.

Тадқиқ қилиш натижасидаги асосий морфометрик кўрсаткичлар: ворсинкалар диаметри, капиллярлар сони, қон-томир девори қалинлиги, интерворсинкалар масофаси, фибриноид оксили каби кўрсаткичлар қуйидаги (2- жадвал) да келтирилган:



Жадвалдан кўриниб турибдики, юқори ёшли (38–44 ёш) ва кўп туғишли (3–4 марта) аёлларда плацента ҳажми нисбатан катта ва қон тўплами, ўчоқли қон қуйилишлари каби ўзгаришлар учраган. Масалан, 44 ёшда IV бор тукқан аёлда плацента 19×18,5 см бўлиб, ўчоқли қон қуйилишлари ва шиш аниқланган. 38 ёшда биринчи бор туғган аёлда плацента 18×16,0×2,5 см, тўла қон тўплами ва ўчоқли қон қуйилишлар қайд қилинган. Биринчи бор (27 ва 30 ёшдаги) тукқан аёлларда ҳам плацентада қонли ўчоқлар кузатилган, лекин ҳажмлари мўътадил даражада.

Жадвал 1

Аёл ёши (йил)	Туғишлар сони	Плацента ўлчами (см)	Морфологик ўзгаришлар (тафсилот)
27	1	17,0×16,0×2,0	Оқ зич континиум (омма билан четга чиққан оқ нукталар), очоғли қон қуйилишлар бор.
29	4	20,0×20,0×2,5	Ўчоқли қон қуйилишлар кўп, четида қоронғу-қизил лахта бор.
30	1	20,0×19,7	Тўқ-қизил, меконий билан ифодаланган, қон тўплами ва ўчоғли қон қуйилишлар қайд этилган.
34	2	18,0×17,0	Ўртача ҳажм, нормал тузилмали (ўлчамлар стандарт, қон қуйилишлар қайд этилмаган.
38	1	18,0×16,0×2,5	Қон тўплами ва очоғли қон қуйилишлар (плацента бачадон томони бириктирувчи тўқима билан ўралган, кўриниши қорамтир рангда.
40	4	18,0×16,0×2,5	Ўчоқли қон қуйилишлар, чуррага ўхшаш қон тўплами (тўқ рангдаги-қизил қон лахтаси бор.
44	4	19,0×18,5	Шишган, ўчоқли қон қуйилишлар (плацента тўлақонли, қон тўпланган жойлар қайд қилинади.

Жадвал 2

Кўрсаткич	Назорат (1–2 туғрук)	Кўп туғрук (≥3)
Ворсинкалар диаметри (мкм)	152 ± 5	132 ± 7
Капиллярлар сони (1 мм ² да)	68 ± 3	51 ± 4
Қон томир девори қалинлиги (мкм)	4.5 ± 0.2	6.2 ± 0.3
Интерворсинкалар масофаси (мкм)	11 ± 1.2	16 ± 1.8
Фибриноид оксиллиги (%)	6.5 ± 0.9	12.8 ± 1.1

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўп тукқан аёлларда ворсинкалар сийраклашган, капиллярлар тармоғи камайган, интерворсинкалар орасида фибриноид модда

Ўрганилган натижалар кўп туғган аёлларда плацента хусусиятлари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар билан мувофиқ яъни плацента ҳажмлари аёл ёши ва туғишлар сонига боғлиқ ўзгаради. Ушбу тадқиқот натижалари Г.Ара ва ҳамкасблари кузатган ҳолатга мувофиқ (плацента оғирлиги ва ўлчамлари ёш ва туғишлар сонига тўғри пропорционал) эканини тасдиқлайди. Ёш ва кўп марта тукқан аёлларда плацентада фибриноид деградация ва кальций қатлами ҳам кўпаяди деб тахмин қилинган, бизда эса асосан қон тўпланмалари кузатилди.. Маълумки, плацента вазни туғув сони ортгани сари ортади, бу кўп тукқан аёлларда ҳам қайд қилинган ҳолатдир. Шунингдек, плацентанинг шишиши ҳолати унинг катталашиши ва окранг бўлишига олиб келади. Микроскопик текширувдаги инфаркт ва гематома каби ўзгаришлар эса бачадон ва фетал томирлари билан боғлиқ бўлиб, улар бизнинг натижаларимиз билан уйғунликни кўрсатади. Кўшимча сифатида Burke ва ҳамкасблари (2023) тадқиқотида кўп тукқан аёлларда плацента томирларининг ривожланиши кечикиши аниқланган, бу ҳам кўп тукқанлик ҳолатида плацента патологияси эҳтимолини кўрсатади. Шунингдек, юқори гравидитет плацента адгезияси хавфини

ошираётгани ҳам қайд этилган бўлиб, бу кўп туққан аёлларда плацента архитектурасидаги ўзгаришларнинг аҳамиятини янада оширади.

Хулоса

Плацента ҳажми ва морфологик ўзгаришлар аёлниң ёши ва туғишлар сонига боғлиқ равишда ўзгариши маълум бўлди. Ушбу патанатомик кузатувларда ёш ва кўп туққан аёлларда плацента шишиши ва ўчоғли қон тўпланмалари каби ўзгаришлар кўпроқ қайд этилди. Бу ҳолатлар йирик плацента ва унинг қон билан таъминотидаги бузилишларга ишора қилиши мумкин. Тадқиқот натижалари асосида тиббий назорат кучайтирилиши, плацента функционаллигини яхшилаш мақсадида зарур тавсиялар ишлаб чиқилиши зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Агафонова А. В., Васильев В. В., Рогозина В. Морфологическая характеристика плаценты при инфекционном поражении //Практическая медицина. – 2021. – Т. 19. – №. 1. – С. 8-14.
2. Адизова С. Р., Ихтиярова Г. А. Морфологическая характеристика плаценты у женщин с преэклампсией //Новый день в медицине. – 2020. – №. 2. – С. 26-30.
3. Белоконова Т. и др. Возможности сохранения репродуктивной функции женщины с вращением плаценты благодаря использованию эмболизации маточных артерий //Врач. – 2019. – Т. 86. – С. 99.
4. Бурякова С.И., Фадеева Н.И. Плацентарная дисфункция без гемодинамических нарушений: можно ли снизить антенатальные потери? // Пренатальная диагностика. 2012. № 4. С. 332-337.
5. Воронова О. В., Милованов А. П., Михалева Л. М. Интеграционный подход в исследовании сосудов плаценты при преэклампсии //Научно-практический рецензируемый журнал Клиническая и экспериментальная морфология. – 2022. – Т. 11. – №. 3. – С. 30-44.
6. Воронова О. В., Милованов А. П., Михалева Л. М. Клиническая и экспериментальная морфология //клиническая и экспериментальная морфология Учредители: Российский научный центр хирургии им. акад. БВ Петровского. – 2022. – Т. 11. – №. 3. – С. 30-44.

Қабул қилинган сана 20.05.2025